

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

650 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида («Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги ЎРҚ–342-сон Қонуни)

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги ЎРҚ–342-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тармоқларининг умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 27 октябрдаги 454-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 7 декабрь,
323-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 7 декабрдаги 323-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатлари қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 33-модда):

а) 1-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи, мазкур бошқарув органи тизимига кирмайдиган ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган ёки идоралараро тусдаги (умумий мажбурий тусдаги) ҳуқуқий ҳужжатлари (кейинги ўринларда «меъёрий ҳужжатлар» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак ва улар расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса;

давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди»;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да расман эълон қилиниши керак»;

б) 2-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

в) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) иловада:

илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги НИЗОМ»;

муқаддима қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу Низом вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар (кейинги ўринларда вазирликлар ва идоралар деб аталади) томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини, шунингдек уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди»;

1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг (кейинги ўринларда «вазирликлар ва идоралар» деб аталади) меъёрий ҳужжатларини» сўзлари «Вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (кейинги ўринларда меъёрий ҳужжатлар деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ушбу Низом мақсадлари учун идоралар деганда вазирлик ёки давлат қўмитаси ҳисобланмаган, ижро этиш ва (ёки) фармойиш бериш функциялари, шунингдек умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқи берилган давлат бошқаруви республика органлари ёхуд махсус ваколатли бошқарув органлари (агентликлар, комиссиялар, марказлар, бошқармалар ва бошқалар) тушунилади»;

2-бандда:

биринчи хатбошидаги «вазирликлар ва идораларнинг» сўзлари «вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинадиган» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидан «корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган меъёрий ҳужжатлари» сўзлари «ташкилотлар учун мажбурий кучга эга бўлган меъёрий ҳужжатлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 2¹-банд қўшилсин:

«2¹. Ушбу Низомга мувофиқ:

техник регламентлар;

стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар;

санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари;

шаҳарсозлик, экологик нормалар ва қоидалар;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Ушбу банднинг олтинчи хатбошида назарда тутилган ҳужжатларни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга тегишли деб топиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади»;

5-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«коррупция, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида бошқа ҳуқуқ бузилишларининг содир этилиши учун шарт-шароитлар яратувчи;

тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни киритувчи, тадбиркорлик субъектларининг асосланмаган харажатлари юзага келишига олиб келувчи қоидалар ва нормалар киритилиши тақиқланади».

6-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирликлар ва идоралар ўз ваколатлари доирасида меъёрий ҳужжатларни буйруқлар ва қарорлар шаклида қабул қиладилар. Ушбу ҳужжатларнинг таркибий қисми ҳисобланган низомлар, қоидалар, йўриқномалар шаклида қабул қилинадиган меъёрий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар буйруқлар ва қарорлар билан тасдиқланиши мумкин»;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳуқуқий нормаларни ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатларга (хат, телефонограмма, хусусий масалалар бўйича тушунтиришлар ва бошқалар),

шунингдек якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган ҳужжатларга киритилишига йўл қўйилмайди»;

8-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Агар меъёрий ҳужжат қабул қилиниши мақсадлари ва сабаблари тушунтирилиши талаб этилса, унга кириш қисми — муқаддима киритилади. Ҳуқуқий норма бўлган қоида муқаддимага киритилмайди.

Меъёрий ҳужжат қоидалари лўнда, оддий ва равон тилда баён қилиниши керак. Фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган, уларнинг қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда қўлланилади. Зарур ҳолларда махсус атамалар ва тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади, умумий қабул қилинган қисқартмалар қўлланади ва бошқа қисқартмаларга тушунчалар берилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди»;

қўйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар қўшилсин:

«Зарурият бўлган тақдирда меъёрий ҳужжатда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳавола қилинган ҳолда ундан айрим қоидалар такрорланади.

Меъёрий ҳужжатда, қоидага кўра, олдин вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлардаги ҳуқуқий нормалар айнан қайта такрорланмайди»;

бешинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Меъёрий ҳужжатлар матнига қонун ҳужжатларига ҳаволалар киритишга фақат истисно ҳолларда йўқ қўйилади»;

саккизинчи хатбошидаги «вазирликлар ва идораларнинг илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатларига» сўзлари «вазирликлар ва идоралар томонидан илгари қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «битта меъёрий кўрсатма» сўзлари «битта ҳуқуқий норма» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-бандда:

иккинчи хатбошидаги «шаклининг» сўзи «турининг» сўзи билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«вазирлик ёки идора раҳбарининг ёхуд унинг вазифаларини бажарувчи шахснинг лавозими, ушбу органнинг муҳри билан тасдиқланган имзоси, исмининг бош ҳарфи ва фамилияси»;

11-банднинг иккинчи хатбошидаги «чиқариш» сўзи «қабул қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тайёрланган меъерий ҳужжат вазирлик ёки идора раҳбари томонидан имзолангунга қадар ушбу вазирлик ёки идоранинг юридик хизмати томонидан ўтказиладиган ҳуқуқий экспертизадан ўтиши керак»;

13-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Агар тақдим этилган ҳужжат, шу жумладан малакали мутахассисларни жалб этиш йўли билан қўшимча ўрганишни талаб этган ҳолларда, ҳужжатни кўриб чиқиш муддати 20 кунгача узайтирилиши мумкин»;

14-банддаги «экспертизадан ўтказишда» сўзлари «ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг учинчи хатбошидаги «давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач» сўзлари «расмий эълон қилинган кундан бошлаб» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин меъерий ҳужжатнинг асл нусхасининг бир нусхаси унга берилган рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами билан биргаликда уни тақдим этган органга қайтарилади, асл нусханинг бир нусхаси ҳисобга олиш ва эълон қилиш учун Адлия вазирлигида қолади»;

18-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қонун ҳужжатлари ўзгарган тақдирда вазирликлар ва идоралар давлат рўйхатидан ўтказилган ўз норматив ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириши ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишлари керак. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар ва идоралардан уларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган норматив ҳужжатларини қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтиришни талаб қилишга ҳақлидир»;

тўртинчи хатбошидаги «Мазкур бандда ва мазкур Низомнинг 20-бандида назарда тутилган» сўзлари чиқариб ташлансин;

19, 20 ва 21-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Вазирликлар ва идоралар қайта ташкил этилган, тугатилган ёки номи ўзгартирилган тақдирда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик қонунда белгиланади.

20. Вазирликлар ва идоралар, ўз ваколатлари доирасида, ўзлари томонидан қабул қилинган меъерий ҳужжатлар матнлари тарқатилишини таъминлашлари шарт.

Меъерий ҳужжатлар матнларининг электрон версиялари уларни қабул қилган вазирликлар ва идораларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши керак.

Белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши ва нашр этилиши (эълон қилиниши) керак бўлган меъерий ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказилгунга ва расмий эълон қилингунга қадар бажариш учун юборилишига йўл қўйилмайди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилин-

ган меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар «Халқ сўзи» — «Народное слово» газеталарида мунтазам равишда эълон қилиб борилиши шарт.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли органларга улар қабул қилган меъёрий ҳужжатларнинг расмий шарҳлаш зарурлиги тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақлидир.

Расмий шарҳ бериш тўғрисидаги буйруқ ёки қарор фақат у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилгандан кейин бажариш учун юборилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 197-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 26-модда):

а) 1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Белгилаб қўйилсинки:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак ва расмий эълон қилинган кундан бошлаб, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, кучга киради;

фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив ҳужжатлар «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да расмий эълон қилиниши керак;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг таркибий бўлинмалари ва ҳудудий органлари умумий мажбурий тусдаги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли эмаслар.

2. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари:

умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларнинг улар қабул қилинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилишини ҳамда кейинчалик норматив ҳужжатларнинг барча манфаатдор шахсларга етказилишини таъминласинлар;

умумий мажбурий тусдаги ҳуқуқий нормаларни норматив тусда бўлмаган ҳужжатларга киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларни ижро этиш учун жўнатиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ҳолларига йўл қўймасинлар.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин»;

б) 3-банддаги «чиқарилиши» сўзи «қабул қилиниши» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-банднинг иккинчи ва бешинчи хатбошиларидаги «меъерий» сўзи «норматив-ҳуқуқий» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида» 2000 йил 5 августдаги 304-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 47-модда):

а) 2-банд ва қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 4-банднинг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг ҳужжатлар тушишига қараб, даврий равишда, қоидага кўра, бир ҳафтада бир марта нашр этилишини, шунингдек, уларнинг очиқ обуна йўли билан тарқатилишини таъминласин»;

в) 2-иловада:

1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий база-си (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг туркумланган давлат ягона электрон базаси) орқали Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпламида, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъерий ҳужжатлари ахборотномасида, шунингдек, норасмий тартибда» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «меъерий норматив ҳужжатларнинг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси», «Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, «Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади;

«Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами», шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари ушбу органларнинг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрлари ҳисобланади.

Ушбу бандда назарда тутилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нашрлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норасмий нашрлари ҳисобланади»;

қуйидаги мазмундаги 2¹-банд қўшилсин:

«2¹. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан таъсис этилган таъсис ҳужжатларида уларда кўрсатиб ўтилган органлар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расман эълон қилиш назарда тутилган оммавий ахборот воситалари уларнинг расмий нашрлари ҳисобланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами»да расман эълон қилингунга қадар ўзларининг расмий нашрларида эълон қилган тақдирда бу ҳақда эълон қилинган кундан кечикмай, расмий нашр реквизитларини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига маълум қиладилар»;

3 — 9-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг Кенгашларининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўпламида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат бўлиб, уларда қуйидагилар эълон қилинади:

биринчи бўлимда — Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

иккинчи бўлимда — Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;

учинчи бўлимда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

тўртинчи бўлимда — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари;

бешинчи бўлимда — идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўпламини нашр этишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг расмий даврий нашрларида эълон қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар изчил равишда хронологик тартибда жойлаштирилади ва тегишли тартиб рақамларига эга бўлган моддаларга жойлаштирилади.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламида уларнинг тартиб рақамларига ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санага мувофиқ изчил равишда хронологик тартибда жойлаштирилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловалар ҳужжатларнинг ўзи жойлаштирилган моддаларга жойлаштирилади.

5. Расмий нашрларда эълон қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу ҳужжатни қабул қилинган орган томонидан расман юборилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнига мувофиқ бўлиши керак.

6. Ҳажми катта бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнлари расмий даврий нашрларга киритилмаслиги мумкин. Бунда улар уларни қабул қилган органлар томонидан алоҳида нашр шаклида эълон қилиниши керак.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборот-номаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами ҳар ойда нашр этилади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, қоидага кўра, ҳафтада бир марта, ўзбек ва рус тилларида нашр этилади ва очиқ обуна бўлиш йўли билан тарқатилади.

8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари матнлари киритилди.

Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига судларнинг қарорлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар матнлари ҳам киритилиши мумкин.

9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ҳужжатнинг тушишига ва ишланишига қараб, бироқ у расман эълон қилингандан кейин бир ҳафтадан кечикмай янгиланади»;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг излаш тизими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган Қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори асосида, қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси ва алифбо-предметли кўрсаткич, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар реквизитлари бўйича шакллантирилади»;

13, 14 ва 15-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Расмий даврий нашрларнинг ўз вақтида нашр этилишини таъминлаш ва Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини тўлдириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати аппаратлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан бошлаб бир кун мобайнида уларнинг матнларини қоғоз ва электрон матнларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига жўнатадилар. Бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон матнлари электрон почта орқали жўнатилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг келиб тушган матнларидан уларнинг давлат ҳисобини юритиш учун ҳам фойдаланилади.

14. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг ўз вақтида нашр этилишини таъминлаш, шунингдек, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини тўлдириш учун тегишли органлар ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказишда вазирликка ушбу ҳужжатларнинг электрон матнларини электрон матнларда ёки электрон почта тизими орқали тақдим этадилар.

15. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, кодекслар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламларини нашр этишни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини ташкил этиш ва унинг ишлашига умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини шакллантириш ва доимий равишда янгилаб бориш, маълумотлар базасини қўллаб-қувватлаш, маълумотлар электрон базасидан фойдаланишни таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази томонидан амалга оширилади»;

17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашр этиш, шунингдек, яратилаётган қонун ҳужжатлари маълумотлари электрон базаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви барча органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек уларни қонунчилик маълумотлари электрон базалари орқали тарқатишга улар эълон қилинган барча реквизитлар, расмий нашрлар ва уларнинг кучга кириш санаси мажбурий кўрсатилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий манбаларда эълон қилинганидан кейин йўл қўйилади. Бунда расмий нашрларда эълон қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнининг аниқ такрорланиши таъминланиши керак»;

қуйидаги мазмундаги 18 — 21-бандлар қўшилсин:

«18. Норасмий нашрларда, шунингдек қонунчилик маълумотлари элек-

трон базаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошқа тилларга норасмий таржималари эълон қилиниши мумкин. Ушбу таржималарга норасмий таржима тўғрисидаги белги қўйилиши керак.

19. Агар норматив-ҳуқуқий ҳужжатни расмий нашрларда эълон қилишда унинг матнида норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий тарқатилишига таққослаганда хатоларга, матбаа хатосига, бошқа ноаниқларга йўл қўйилган тақдирда, улар аниқлангандан кейин нашрнинг энг яқиндаги сониди тегишли тузатишлар эълон қилинади.

Агар кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларининг расмий нашрларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаи билан таққослаганда хатоларга, матбаа хатоларига, бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган тақдирда ношир улар аниқланган кундан бошлаб 30 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда республика даврий нашрларида (газеталар, журналлар ва шу кабиларда) тегишли тузатишлар эълон қилинади.

20. Агар норасмий нашрларда (газеталар, журналлар ва шу кабиларда) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаи билан таққослаганда хатоларга, матбаа хатоларига, бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган бўлса, ношир улар аниқланган кундан бошлаб 30 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда республика даврий нашрларида (газеталар, журналлар ва шу кабиларда) ёки норасмий нашрнинг навбатдаги сонини эълон қилишда (чиқаришда) тегишли тузатишлар эълон қилинади.

21. Агар қонунчилик маълумотлари электрон базаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаи билан таққослаганда хатоларга, матбаа хатоларига, бошқа ноаниқликларга йўл қўйилган тақдирда, улар дарҳол бартараф этилиши керак»;

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентида:

а) 28-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонунчиликка, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини аниқлаш юзасидан экспертизадан ўтказди»;

б) 76-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари, агар ушбу ҳужжатларда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, улар расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 24 августдаги 182-сон қарорига 1-илованинг 5-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 51-модда):

«Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмат ходими лавозимига тавсия этиладиган номзодларни адлия органлари билан келишиш тартиби, шунингдек адлия органларига тақдим этиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмат ходимлари томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисобот шакли, уни тақдим этиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 22 ноябрдаги 244-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 65-модда) билан тасдиқланган Юридик хизматлар ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Юридик хизматлар ходимларининг улар ишлаётган ташкилотлар томонидан аттестациядан ўтказилиши тақиқланади»;

б) 11-банднинг «е» кичик бандидаги «(агар мавжуд бўлса)» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 27-бандда:

ўзбек тилидаги матннинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «тўхтатилиши» ва «тўхтатиш» сўзлари тегишли равишда «тугатилиши» ва «тугатиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Юридик хизмат ходими унга берилган юридик хизмат ходими аттестациядан ўтиши тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш масаласини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аттестация комиссияси мажлисида иштирок этиши мумкин. Мажлис ўтказиладиган жой ва вақт тўғрисида юридик хизмат ходимига мажлис ўтказилишидан камида ўн кун олдин хабар қилинади.

Юридик хизмат ходимининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аттестация комиссияси мажлисида қатнашмаслиги юридик хизмат ходимини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишга тўсқинлик қилмайди. Қабул қилинган қарор тўғрисида юридик хизмат ходимига уч кун мобайнида хабар қилинади».